

Newcastle шахрига кўмир экспорт қилиш нақадар ҳайратланарли?

14:08 / 11.06.2017 3701

Инглиз тилида:

"Newcastle шахрига кўмир экспорт қилиш нақадар ҳайратланарли?" деган бир латифа бор. Чунки, ушбу шаҳар кўмир экспорти билан машҳурдир.

Бундан ҳам ҳайратланарлиси нима эканини биласизларми? Мен ҳозир сизларга бундан ҳам ажойибини айтаман. Мен каби араб бўлмаган ажам бир киши рисолат эгалари бўлган арабларга рамазон хусусида гапиришидир!!!

Мен ўзимга-ўзим айтаман. Нима учун рамазон ойи мелодий ой билан тутилмасдан қамарий ой билан тутилади? Жавоб шуки, Аллоҳ таоло ҳамма мавсумда рўза тутишни, барча одамлар тажриба қилиб кўриш фурсатини берди. Агар рўза қуёш тақвимига мувофиқ бўлганида, шимолда яшовчи мусулмон рамазон рўзасини қийналмасдан қиш фаслида тутар эди. Аммо жанубда яшовчи мусулмон ёзда қийинчилик ва машаққатда тутар эди. Энди қамарий тақвимга келадиган бўлсак, ҳар-бир инсон гоҳида рўзани қишда тутуди, гоҳида эса ёзда тутуди. Бу энг гўзал суратдаги айни адолатдир.

Аҳмад Дийдот роҳимаҳуллоҳ.